O‘ZBEKISTON
BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
№76-77 (729-730) 2023 йил 29 август, сешанба
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# МАКТАБЛАРДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 август куни мактабларда таълим сифатини ошириш, ўқувчи ўрнини кўпайтириш ва ўқитувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

“Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан бошланади”, деган эзгу ғоя асосида бу соҳада катта ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда юзлаб замонавий мактаблар барпо этилди. Президент мактаблари, ижод мактаблари ҳаётимизга кириб келди, ихтисослаштирилган мактаблар тармоғи кенгайтирилди. Янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратилди.

Ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган даврда муаллимларнинг ойлик иш ҳақи ўртача 2,5 баравар ошди.

Жумладан, чет тили, ахборот технологиялари, математика, кимё, биология бўйича миллий ва халқаро сертификати бор ўқитувчиларга устама, чекка ҳудудга бориб ишлаган муаллимларга алоҳида тўлов жорий этилди. Натижада 6 миллион сўмдан 10 миллион сўмгача маош оладиган ўқитувчилар сони 23 мингга етди, 10 миллион сўмдан юқори ойлик олувчилар 1 мингдан ошди.

Мактаблар юкламасини камайтириш мақсадида 700 минг ўқувчи ўрни яратилди. Бу – аввалги йилларга нисбатан 15 баравар кўп. Олий таълимда ҳам қамров 4 баробар оширилиб, ёшлар учун имкониятлар кенгайтирилди.

Шу билан бирга, мактаб таълими соҳасида долзарб масалалар ҳали кўп.

Бугунги кунда бошланғич синфларда 11 та, юқори синфларда 16 та фан ўтилади. Лекин ўқувчилар аниқ бир йўналишда чуқур билимга эга бўлмай, мактабни битираяпти.

Ўтган йили 220 минг муаллимдан 86 минг нафари ёки 37 фоизининг билим ва кўникмаси “қониқарсиз” баҳоланган. Бу ҳол, айниқса, ҳозир талаб юқори бўлган информатика, инглиз тили, физика, математика ва кимё фани ўқитувчиларида бўлгани ташвишли.

Охирги олти ярим йилда юртимизда 320 минг хонадонли янги уй-жойлар барпо этилган. Лекин уларга мос қувватда мактаблар қурилмаган. Янги массив ва маҳаллаларда ҳозирнинг ўзида 350 минг ўринли мактабларга талаб бор. Мавжуд мактаблар инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳам вазифалар кўп.

Сўнгги йилларда 70 минг ўринли 350 та хусусий мактаб ташкил этилган. Аммо кўплаб вилоятларда бу борадаги ишлар етарли эмас.

Шу каби таҳлилларни қайд этар экан, давлатимиз раҳбари мактабларни ҳам мазмун, ҳам шароит жиҳатидан яхшилаш бўйича янги ташаббусларни билдирди.

Аввало, таълим сифатини ошириш мақсадида республика бўйича 500 та мактабда Президент мактаби ва ихтисослашган мактаблар ўқув дастури ҳамда баҳолаш тизими жорий этилади. Бир йилда уларнинг иши баҳоланиб, янги тизимни самарали қўллаган ўқитувчиларга 40 фоизгача устама берилади. Келгуси беш йилда ушбу тизим барча мактабларда жорий қилинади.

Бу йил мактабларда дарс бериш учун хориждан 500 нафар “тил эгалари” таклиф этилган. Кейинги йилларда улар яна кўпаяди. Шу боис ҳокимликларга чет эллик ўқитувчиларнинг уй-жой масаласини ҳал қилиш топширилди.

Юқори синфда ўқитиладиган фанлар 16 тадан 11 тага қисқаради. Бунда, 10-11 синф ўқувчиларига “кимё – биология”, “математика – физика”, “математика – чет тили”, “она тили ва адабиёт – чет тили” фанлари уларнинг танлови асосида чуқурлаштириб ўқитилади.

Касб-ҳунар эгаллаш истагидаги ўқувчиларга эса, мактабнинг ўзида тайёр мутахассис бўлиб етишиш имконияти яратилади. Келгуси ўқув йилидан камида 1 мингта мактаб шу тизимга ўтказилади.

Дарсларнинг мазмуни ҳам ўзгаради. 1-синфдан компьютер саводхонлиги, юқори синфларда молиявий саводхонлик дарслари жорий этилади.

Энг муҳими, ўқув дастурларига қўшимча янги фанларни киритиш тақиқланади. Энди барча янги таклифлар мавжуд фанларга интеграция қилиниб тайёрланади.

Президент ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларга муносиб шароит яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Унга кўра, ўқитувчиларни ишга қабул қилиш, уларнинг малакасини ошириш ва тоифа бериш тизими тўлиқ ўзгартирилади. Жумладан, ўқитувчиликка қабул қилиш танлов асосида бўлади. Илк бор келган номзодларга 1 йил ўқитувчи-стажёр бўлиб ишлаш ва йил якуни билан касбий сертификат олиш талаби қўйилади. Кейинчалик бу тизим барча ўқитувчилар учун босқичма-босқич жорий қилинади.

Ўқитувчилар малакаси ҳам табақалашган ҳолда оширилади. Яъни, малака оширишдан олдин ўқитувчининг билими “диагностикадан ўтказилади” ва натижасига кўра индивидуал касбий ривожланиш йўналишлари белгиланади. Паст натижа олганлар бўйича ўзи ўқиган олийгоҳга рекламация юборилади. Яъни, бу педагогик олийгоҳлар фаолияти учун ҳам баҳо бўлади.

Шу боис ҳудудий малака ошириш марказлари фаолиятини танқидий ўрганиш, уларни таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича топшириқ берилди.

Муаллимларга малака тоифасини бериш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда педагогнинг билими дастлабки имтиҳонда баҳоланиб, 70 фоиздан кўп балл тўплаганлар иккинчи босқичга ўтади. Иккинчи босқичда илғор педагогик технологияларни қўллаши, ўқувчилар билан ишлаш методикаси ва баҳолашдаги ёндашувлари текширилади.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ушбу тажрибани ўқитувчиларнинг билим даражаси паст бўлган 20 та туманда синовдан ўтказиш вазифаси қўйилди.

Педагогика йўналишидаги олий ўқув юртларини алоҳида ёндашув асосида ривожлантириш бўйича кўрсатма берилди. Шунингдек, Тошкент ва Чирчиқдаги Педагогика университетларида мутахассислар Президент мактаби дастури асосида тайёрланади. Бу муассасалар педагогика йўналишидаги институтлар учун “таянч олийгоҳ” бўлади.

Келгуси ўқув йилидан кадрлар етишмайдиган, оғир мактаблар олдиндан танланиб, улар учун мақсадли давлат буюртмаси жорий қилинади.

Мактаб таълимида бошқарув тизими ҳам ўзгартирилади. Энди директорликка номзодлар фақат сертификати бор ва захирага киритилган кадрлар орасидан танланади ва муддатли шартнома асосида ишга олинади. Директорлар ва унинг ўринбосарлари ҳар беш йилда бир марта сертификациядан ўтади.

Соҳадаги яна бир долзарб масала – ўқувчи ўрнини кўпайтириш.

Келгуси йилда Инвестиция дастури доирасида мактаб қурилишига 3 триллион сўм ажратилиши назарда тутилган. Бунинг ҳисобига 150 минг янги ўқувчи ўрни яратилади.

Кам қувватда ишлаётган 61 та коллеж биносида мактаблар ташкил қилинади. Хусусий шериклик асосида 50 та мактаб қурилади.

Хусусий секторга қўшимча шароитлар яратиш орқали йилига камида 25 минг ўқувчи ўрни очилади. Бунинг учун тадбиркорларга хусусий мактаб ташкил қилишга кредитнинг 7 фоиз қисми бюджетдан қоплаб берилади. Янги мактаб қуриш учун ер майдонлари мақсадли аукционга чиқарилади.

Умуман, бу ишлар орқали келгуси йилнинг ўзида 250 минг ёки ўтган йилга нисбатан 2 карра кўп ўқувчи ўрни яратилиши таъкидланди.

Мутасаддиларга ушбу чора-тадбирларни молиялаштириш, мактаблар қуриш ва жиҳозлаш, муассасаларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича топшириқлар берилди.

Битирувчиларнинг бандлиги масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Бу йил 387 минг нафар ўқувчи мактабни тамомлаган. Шундан 138 мингтаси олий таълимга ўқишга кирган.

Давлатимиз раҳбари қолган битирувчиларни профессионал таълим билан қамраб олиш, ёшларни кам харажат қилиб, кўп даромад оладиган замонавий касбларга ўргатиш муҳимлигини таъкидлади. Ўқувчилар билан манзилли ишлаш, бунда ҳоким, мактаб директори ва ота-оналарнинг масъулиятини аниқ белгилаш вазифаси қўйилди.

Маълумки, бундан уч йил олдин 15 ёшгача бўлган болаларга йод, витаминлар ва гижжага қарши дорилар тарқатиш амалиёти жорий қилинган эди. Натижада болаларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишига таъсир кўрсатадиган қалқонсимон без касалликлари камаймоқда. Шу боис ўқувчиларга йод препаратларини бепул тарқатишни давом эттириш, аҳоли орасида йод истеъмолининг фойдали хусусиятларини кенг тарғиб қилиш зарурлиги айтилди.

Йиғилишда Президент барча ўқитувчилар, мактаб директорлари ва уларнинг ўринбосарларига мурожаат қилди.

– Азиз устозлар, мактаб таълими соҳасидаги ислоҳотларимизни амалга оширишда мен сизларни ўзимнинг энг яқин ёрдамчим, деб биламан. Мактаб таълимини янада яхшилаш бўйича қабул қилаётган чора-тадбирларимизнинг пировард натижаси аввало сизларга, сизларнинг фидокорона меҳнатингизга боғлиқ.

Мен сизларнинг тимсолингизда ўз ҳаётини дунёдаги энг улуғ ва олижаноб ишга – янги авлод тарбиясига бағишлаган, ўз касбига содиқ ва фидойи инсонларни кўраман. Бугун сизлар таълим-тарбия бераётган, қалбини, онгини эзгулик билан тўлдираётган миллионлаб фарзандларимиз эртага Янги Ўзбекистон бунёдкорлари бўлиб бизнинг сафимизга киради. Ватанимиз, халқимиз сизларнинг бундай олижаноб хизматларингизни ҳеч қачон унутмайди. Ўқитувчилик касбини эъзозлаш, унинг меҳнатини қадрлаш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади. Янгиланган Конституциямизда ўқитувчи мақомини мустаҳкамлаб қўйдик. Келгусида шу асосда, албатта, кўп ишларни амалга оширамиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда белгиланган вазифалар юзасидан вазирлар, ҳокимлар ва бошқа масъуллар ахборот берди.

**ЎзА.**

# ЭЪТИРОФ МУБОРАК, ҚАДРЛИ СОҲА ВАКИЛЛАРИ!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 августдаги “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармонига кўра, давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳа ходимларидан бир гуруҳи давлат мукофотлари билан тақдирланди.**

**Янги Ўзбекистонни барпо этиш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтириш, инсон қадрини улуғлаш каби эзгу мақсадлар йўлидаги катта хизматларни бажариб келаётган мукофот соҳиблари орасида айнан қурилиш, коммунал хўжалиги соҳаси йўналишида фаолият юритаётган бир қатор ҳамкасбларимизнинг борлиги қувонарли ҳолдир.**





Ҳудудлар инфратузилмасини жадал ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, жамиятда маънавий барқарорликни сақлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларидаги ибратли фаолияти учун Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимида меҳнат қилаётган Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи **Туляганов Козим Насирович “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони билан**, вазирлик бўлим бошлиғи **Алиматов Таир Наматуллаевич “Дўстлик” ордени билан** тақдирлангани соҳа вакиллари меҳнатига билдирилган эътироф намунасидир.

Шу билан бирга, кўп йиллик самарали меҳнати ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси **Тулегенова Акшагул Абуевна “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан**, “Uzbekistan GTL” корхонаси қурилиш лойиҳаси директори **Арзиев Шуҳрат Холович** ва “Enter Engineering Pte. Ltd.” компанияси бош директори **Усмонов Улугбек Алимжонович “Меҳнат шуҳрати” ордени билан**, Марҳамат туманидаги “Марҳамат қурилиш инвест” масъулияти чекланган жамиятининг пардозчилар бригадаси бошлиғи **Абдуллаева Зулхумор Бобожоновна**, Хива туманидаги “Хива қурилиш сервис” кичик корхонаси директори **Сабиров Мухамаджан Рустамович**, Пахтакор тумани ободонлаштириш бошқармаси ишчиси **Хужабекова Бувинсо Исаковна**, Самарқанд туризм маркази қурилиш дирекцияси директорининг техник масалалар бўйича ўринбосари **Цой Тимур Виленович “Дўстлик” ордени билан**, Самарқанд йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонасининг автокўтаргич ҳайдовчиси **Абдуллаев Исматилло Тиллоевич,** Уйчи тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси автогрейдерчиси **Атаханов Носиржон Турсинович,** Сергели тумани ободонлаштириш бошқармасининг кўкаламзорлаштириш ва ирригация бўлими бригада бошлиғи **Ачилова Гулнора Эминжановна,** Фарғона шаҳридаги “Safort Konsensus Kommunal” профессионал бошқарув компанияси раҳбари **Камчиева Чарос Махамадсодиқовна,** Миробод туманидаги “Миробод махсустранс” автотранспорт филиали ҳайдовчиси **Каримқулов Комилжон Шодмонқулович,** “Қизилқумцемент” акциядорлик жамиятининг “БелАЗ” ҳайдовчиси **Норкулов Али Умарович,** Зомин туманидаги “Jizzax Organic” масъулияти чекланган жамиятининг капитал қурилиш бўлими бошлиғи **Рахмонов Жонибек Рахмонович,** “Янгийўл металл конструкция” корхонаси менежери **Субҳонқулов Муҳаммад Бобир Жамшедович,** Самарқанд туризм марказининг қурилиш дирекцияси директори **Якубов Алишер Садуллаевичлар “Шуҳрат” медали билан** мукофотландилар.

Давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган барча ҳамкасбларимизни чин дилдан муборакбод этамиз!

# Янги қарор БСКларга янада кенг имконият яратмоқда









**Райҳона ХЎЖАЕВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 15 августдаги “Кўп квартирали уйларни бошқаришни янада самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-278-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини соҳа вакилларига тушунтириш, уларни қизиқтирган саволларга батафсил маълумот бериш мақсадида Тошкент шаҳрида фаолият юритувчи бошқарув ташкилотлари учун семинар-тренинг ташкил этилди.**

Семинарда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятов, вазир ўринбосари Озода Жўраева ҳамда соҳа мутахассислари иштирок этишди.

Дарҳақиқат, тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда кўп квартирали уйларга хизмат кўрсатиш соҳасидаги асосий муаммолардан бири бу аҳолининг дебитор қарздорлиги билан боғлиқ масалалар эди. Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, республика бўйича жами дебитор қарздорлик 470 млрд сўмдан ошганлигини кўриш мумкин. Кўп квартирали уйдаги кўчмас мулк олди-сотди қилинганида мулк билан бирга унинг бошқарувчи ташкилотга бўлган қарздорлиги ҳам янги мулкдорга қопланмасдан ўтмоқда. Шу боис, қарорнинг 2-бандида 2024 йил январдан бошлаб, нотариус томонидан кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар мулкдорнинг мажбурий бадал бўйича қарздорлиги мавжуд эмаслиги аниқланганидан сўнг тасдиқланиши, янги мулкдорга унда уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи юзага келган пайтдан эътиборан умумий мол-мулкни сақлаш бўйича мажбурий тўловларни амалга ошириш мажбурияти белгиланмоқда.

Бугунги кунда кўп квартирали уйларни эксплуатация қилиш тарифларининг ўртача миқдори 1 квадрат метр учун 554 сўмни ташкил қилади. Мисол учун, Тошкент шаҳрининг Юнусобод, Чилонзор, Яшнобод туманларида тариф 1 квадрат метр учун 800 сўмгача бўлиб, ушбу маблағлар эксплуатация харажатларини қопламайди. Мазкур муаммо бошқарувчи ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатига салбий таъсир ўтказиши табиий. Шу боис, қарор билан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги мажбурий бадалларнинг ёки тўловларнинг энг кам миқдорини белгилаши кўзда тутилмоқда.

▶ 2-бет

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№76-77 (729-730) 2023 йил 29 август

# Янги қарор БСКларга янада кенг имконият яратмоқда

◀ 1-бет

Айни пайтда республикада мавжуд 800 дан ортиқ бошқарувчи ташкилот ва 217 та ширкатда 20 мингдан ортиқ ходим фаолият юритиб, улардан атиги 1 минг нафари касбий сертификатга эга. Эндиликда кўп квартирали уйларни бошқариш органлари раҳбар ва муҳандис ходимларининг ҳар йили камида бир марта ҳамда сантехник, электрик, пайвандчи ходимларининг ҳар уч йилда камида бир марта касбий малакасини тасдиқлаш бўйича тартиб ўрнатилади. Шунингдек, қарор билан бошқарувчи ташкилотлар фойдаланишида бўлган давлатга тегишли бино ва иншоотларни "Коммунал таъминот маркази" давлат муассасасига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ўтказиш ва уларни бошқарувчи ташкилотларга минимал ставкада ижарага топшириш назарда тутилмоқда. Республикадаги 800 дан ортиқ БСКлардан 168 таси ўз биносида, 631 таси ижарада (шундан 231 таси ёки 31 фоизи ертўлаларда), коммунал хизмат кўрсатишга ихтисослашмаган биноларда фаолият юритиб келмоқда.

Бугунги кунда республикадаги мавжуд кўп квартирали уйларнинг 75 фоизи 1991 йилгача қурилган уйлардир. 2040 йилга бориб мазкур уйларнинг энг сўнгги қурилгани 50 ёшда бўлади. Шунингдек, Тошкент шаҳридаги аксарият уйлар 1966 йилдан кейин қурилган. Бу реновация йўналишида стратегик ва изчил ишлар олиб борилмаётганлигидан дарак беради. Эндиликда қарор лойиҳасининг 5-банди билан реновацияни амалга оширишнинг аниқ механизми ишлаб чиқилади. Бунинг учун масъул бўлган вазирлик ва идоралар иштирокида ишчи гуруҳ тузилади. 1991 йилгача қурилган уйларнинг аксариятида ички муҳандислик тармоқлари ва конструкциясига мулкдорлар томонидан ўзгартириш киритилган. Шу боис, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясига бир неча қўшимча иссиқлик таъминотидан фойдаланиш талабларига риоя этилиши ҳамда умумий мол-мулк ва уларга туташ ер участкаларида амалга оширилган таъмирлаш-тиклаш ишларининг норматив ҳужжатларга мувофиқ бажарилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш ваколатлари берилади.

– Президентимиз томонидан қабул қилинган янги қарор бир қатор имконият ва енгилликлар билан бирга БСКлар зиммасига янада масъулиятли вазифаларни ҳам юкламоқда, – деди Қурилиш ва уй-жой комуннал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятов. – Хусусан, 2024 йил 1 январдан нотариусларда мажбурий бадал ва тўловлардан қарздорлик мавжуд бўлмасагина, олди-сотди шартномалар расмийлаштириладиган бўлди. Бу нима дегани? Энг аввало, мулкдорлар қарздорликни тўлиқ бартараф этмагунича мулкини сотолмайди. Иккинчидан, уйни сотиб олаётган шахслар ҳам қарздорлиги мавжуд бўлмаган мулкни сотиб олишади. Бу орқали БСК ва ширкатларда тўлов интизомини кучайтириш ва тушумларини кўпайтириш имкони пайдо бўлади. Қолаверса, республикадаги собиқ ширкатларнинг электр энергиясидан кредитор қарздорлиги мавжуд. Мазкур ширкатларнинг қарздорлиги бошқарувчи ташкилотлар зиммасига тушиб қолмоқда. Қарорга асосан, мазкур қарздорлик асосли ҳисобланганлиги Ҳисоб палата, Бош прокуратура ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан ўрганиб чиқилади. Шунингдек, қарорда уйни фойдаланишга қабул қилиш жараёнида қурувчи томонидан бошқарув ташкилоти танланиши ва у билан шартнома имзолаши ҳамда уй "бошқариш ташкилотлар реестри"га киритилиши, уйни эксплуатация қилиш қоидалари ишлаб чиқилиши каби қатор бандлар белгиланган. Бу масалалар бўйича жойларда яна тушунтириш ишлари олиб борилади.

Эндиликда қарор билан кўп квартирали уйларга туташ ер участкалар белгилаб берилиши ва мулкдорларга доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилиши айтилмоқда. Ҳозирги вақтда туташ ер участкаларининг чегаралари аниқ бўлмаганлиги, алоҳида жавобгарлик белгиланмаганлиги сабабли кўпгина муаммоли ҳолатлар юзага келаётганидан хабарингиз бор. Хўш, ушбу банд билан қандай ўзгаришлар кўзда тутилмоқда?

– Мисол учун, БСК ўз ҳудудини тозалашга масъул ҳисоблансада, қанча ҳудудни тозалаши кераклигини, қаерлар уйга туташ ҳудуд ҳисобланиши ноаниқ эди, – деди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Бобур Байзақов. – Бунинг оқибатида ободонлаштириш бошқармалари масъул бўлган ёки ижтимоий соҳа объектларига тегишли ҳудудлар ҳам БСК ишчилари томонидан тозаланарди. Ёки бунинг акси бўлган ҳолатлар ҳам кузатилган. Қарор билан мансублик чегаралари белгиланадиган бўлди. Бундан буён туташ ер участкаларини ажратиб беришда мулкдорлар топотасвирларни олиб келишлари талаб қилинмайди. Ҳозирга қадар ҳудуднинг топотасвирлари мулкдорлар ҳисобидан бажариларди. Бунда БСКлар 2-3 млн сўмдан 40-50 млн сўмгача харажат қилишлари керак бўларди. Эндиликда топотасвирлар вазирликнинг талаби билан Кадастр агентлигидан бепул олинади. Умуман, ушбу қарор билан БСКларга кафолатланган тушум, аҳолига эса кафолатланган хизмат тақдим қилинмоқда.

Бошқарув ташкилотларига шунча имконият яратилаётган экан, демак, энди улардан ҳам шунга яраша жонбозлик ва масъулият талаб қилинади. Семинарда иштирок этган бошқарув компанияси раҳбарларининг бу борадаги фикрларига қулоқ тутдик.

– Айни пайтда компаниямиз тасарруфида 250 та кўп қаватли уй мавжуд, – деди Чилонзор туманидаги "Яшил макон стандарт" БСК раҳбари Дилноза Жумаева. – Уйларнинг 80 фоизи эски уйлар ҳисобланади. Шу боис, муаммолари ҳам етарлича. Хусусан, ҳар бир кўп қаватли уйнинг том, ертўла, шахта қисмларига доимий равишда кўз-қулоқ бўлиб туриш керак. Ҳозирда 120 нафар ишчи-ходимлар билан куз-қиш мавсумига катта тайёргарлик кўряпмиз. Бугунги тадбирда янги қарорнинг мазмун-моҳиятини мутахассислар содда қилиб тушунтириб беришди. Ўзимизни қизиқтирган барча саволларга керакли жавобларни олдик. Бу қарор бошқарув сервис компаниялари фаолиятини тубдан ўзгартиришга хизмат қилиши аниқ. Мен ўзим тадбиркорман, бу қарорни анчадан буён кутган эдик, десам муболаға бўлмайди. Чунки вазирлик ходимларига ҳам, бошқа мутасаддиларга ҳам шу масалалар бўйича жуда кўп савол берганмиз. Айниқса, чиқинди муаммоси бизнинг оғриқли нуқтамиз эди. Қарорда ҳамманинг вазифаси алоҳида белгилаб берилгани бизни жуда қувонтирди. Тасарруфимиздаги ҳудудни фаррошларимиз супуриб, тозалаб, чиқиндисини тўплаб йиққанидан кейин уни яна ўзимиз олиб чиқиб кетишимиз керак бўларди. Янги қарорга кўра, 2024 йил 1 январдан бошлаб смётни олиб кетиш харажатлари маиший чиқиндилар учун тарифлар таркибида бўлиши белгиланмоқда. Ҳозирда БСК ва ширкатлар ўз ҳисобидан 10-15 млн сўм тўлаб чиқинди корхоналари билан шартнома қилиб смётни олиб кетишади. Тушган тушумларнинг катта қисми ҳудудни тозалаш ва чиқиндиларни олиб чиқиб кетишга йўналитирилади. Бу эса уйни таъмирлаш ёки моддий-техник базани мустаҳкамлашга маблағлар етишмаслигига олиб келарди. Қарор билан бу тартиб йўқотилиши биз учун яна бир енгиллик бўлди.

– Қарорга кўра, мажбурий бадал ва тўловларни электр энергиясига интеграция қилиниши белгиланмоқда, – деди Учтепа туманидаги "Areba klass" БСК раҳбари Равшан Аюбов. – Ҳақиқатан ҳам, биргина БСК раҳбари ёки унинг ишчилари минг югургани билан аҳолининг ўзи ҳам бу ишларга ёрдам бермаса, қўллаб-қувватлаб турмаса мақсадга эришиш мушкул. Тўлов қилиндими, демак талаб ҳам қилинади. Талаб бўлгандан кейин иш ҳам ўз вақтида ва сифатли амалга оширилади. Ўтган қиш мавсумидаги қийинчиликлар ҳамон ёдимизда. Шу боис, бу қарор фаолиятимизни янада ривожлантиришни, аҳолига бугунгиданда кўпроқ ва яхшироқ шароит яратиб бериш учун меҳнат қилишимиз лозимлигини кўрсатиб бермоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳеч бир қарор шунчаки қабул қилинмайди. Унинг замирида ўша соҳани янада ривожлантириш, муаммо ва камчиликларни бартараф этиш вазифаси мужассам бўлади. Шу жумладан, Президентимизнинг юқоридаги қарори ҳам келгусида БСКлар фаолиятини тубдан яхшилаб, энг аввало, халқимиз турмуш тарзини янада фаровонлаштиришга ҳамда ҳудудларимизни ободонлаштиришга ҳисса қўшиши шубҳасиз.

# Жорий йилда яна бир беш йиллик дастур шакллантирилди

**Зебунисо ЮСУПОВА,**
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси.

**Бугунги кунда мамлакатимиз қурилиш соҳасида ҳам янги давр бошланди, десак, тўғри бўлади. Аввало, соҳанинг ҳуқуқий ва моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, республикамизнинг барча ҳудудларида илғор технология ва ёндашувлар асосида фаолият юритадиган янги-янги қурилиш ташкилотлари пайдо бўлаётгани, қурилиш материаллари индустрияси юқори суръатлар билан ривожланаётгани, малакали кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилгани, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда замонавий дастурлар асосида хориждан кам бўлмаган лойиҳалар яратилаётгани бунга асос бўлмоқда.**



Қайд этилишича, қурилиш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали қурилиш жараёнларининг барча босқичларида жамоатчилик назоратини кучайтириш, сифат ва самарадорликни ошириш, заҳматкаш қурувчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш масалалари бундан буён ҳам доимий эътибор марказида бўлиб қолади.

Давлатимиз раҳбарининг қурилиш соҳасига қаратаётган эътибори натижасида республика аҳоли пунктларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш бугунги куннинг долзарб масаласига айланди. Бюджет маблағлари ҳисобидан ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш доирасида молиялаштириладиган йўналишларнинг асосий параметрлари рўйхатига бош режа ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш харажатлари ҳам киритиб борилмоқда. Жумладан, 1991-2017 йилларда, яъни, 23 йилда 158 таси (14 фоиз) ва 2018-2022 йилларда, яъни, сўнгги 6 йил ичида эса 5-6 баравар кўпроқ, аниқроғи, 187 таси (16 фоиз) ишлаб чиқилган.

2018-2022 йиллар давомида ишлаб чиқилган шаҳарсозлик ҳужжатларини молиялаштириш учун республика бюджети маблағлари ҳисобидан жами 386,3 млрд сўм ажратилди. Маълумот учун, 2018 йилда 33,3 млрд, 2019 йилда 61,5 млрд, 2020 йилда 50,0 млрд, 2021 йилда 115,2 млрд ва 2022 йилда 126,3 млрд сўм маблағ ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ–6119-сон Фармони ҳамда 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сонли Фармонида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан тайёрланган "Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ҳамда 2023 – 2027 йилларда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор лойиҳаси муҳокама қилинмоқда. Лойиҳада аҳоли пунктлари бош режаларини соддалаштириш орқали уларни тўлиқ қамровини тезлаштириш мақсадида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг лойиҳалаштириш топшириғига мувофиқ, биринчи навбатда аҳоли пунктлари ҳудудларини шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш тарҳлари (бош режа схемаси) кўринишида ишлаб чиқишга рухсат этиляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 февралдаги ПФ-3502-сон "2018 – 2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилари этиб "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДУК, "ТошкентбошпланЛИТИ" ДУК, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 2 майдаги ПҚ-2946-сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган минтақавий етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари белгиланган. Шу жумладан, "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш тарҳлари лойиҳаларини ишлаб чиқувчиси этиб кўрсатилган.

Шунга мувофиқ, дастурлар ўз муддатида ва сифатли бажарилганлигини инобатга олиб, мазкур лойиҳа ташкилотларини 2023 – 2027 йилларда амалга ошириладиган дастурлар ижрочиси этиб белгилаш таклиф қилинди. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг зиммасига ҳудудларда фуқароларнинг қулай ҳаёт фаолияти муҳитини комплекс шакллантириш, шаҳарсозлик ва тадбиркорлик фаолиятида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда қулайлик яратиш мақсадида "Менинг ҳудудим" электрон платформасини ишлаб чиқиш юкланди. Ушбу қарор лойиҳасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари томонидан тасдиқлаб берилган таклифлар асосида 2023 – 2027 йиллар Дастурлари шакллантирилиб, киритилди. Жумладан, 2023 – 2027 йиллар Дастурига мувофиқ 762 та, жумладан, 27 та шаҳар, 217 та шаҳарча ва 518 та қишлоқ (овуллар) маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилади. Унга кўра, республика бўйича жорий йилда 146 та, шундан, 9 та шаҳар бош режасига тузатиш (корректура) киритилиб, 43 та шаҳарчанинг бош режалари ва 94 та қишлоқ (овуллар)даги МФЙларнинг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилиши режалаштирилган.

# Бунёдкорлик ишлари мунтазам назоратда

**Ҳамза ШУКУРОВ,** "O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 10 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида давлат дастурларини ўз вақтида тўлиқ ва сифатли амалга ошириш, маблағларнинг мақсадли сарфланишини таъминлаш бўйича қатор вазифалар белгиланган.**

Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан Самарқанд вилоятида ҳам муайян ишлар бажарилмоқда. Дастурлар ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича штаб ташкил этилиб, вилоят прокуратураси ва вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда жойларда амалга оширилаётган қурилиш-бунёдкорлик ишларининг қонунчилик меъёрларига мувофиқлиги мунтазам назоратга олинган.

Маълумотларга кўра, мазкур соҳада 2023 йилнинг олти ойида қурилиш соҳасига оид 22 та текшириш ва таҳлиллар ўтказилган. Унга кўра, бир қанча прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. Яъни, 200 нафарга яқин шахс огоҳлантирилган, 20 нафар шахс интизомий жавобгарликка, 100 нафарга яқини маъмурий жавобгарликка тортилган. Шунингдек, қўпол қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан 21 та жиноят иши қўзғатилган. Бундан ташқари, 86 та, шундан, 36 тасида юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Айни пайтда вилоят прокуратурасида қурилиш соҳасида назорат қилувчи бўлим фаолият кўрсатяпти. Унинг асосий вазифаси – давлат дастурларини молиялаштиришга ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланишини таъминлаш ва уларнинг талон-торож қилинишини олдини олиш бўйича тизимли назорат тадбирларини ўтказишдан иборат.

Бугун республика инвестиция дастури асосида вилоятда 80 дан ортиқ ижтимоий-иқтисодий соҳа объектлари бунёд этилмоқда. Бунинг учун бюджетдан 530 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилиши белгиланган. Жумладан, Самарқанд шаҳрининг Қорасув массивида 1680 ўринли умумтаълим мактаби қурилиши бошланган. Беш қаватли бинони ўз вақтида қуриб топширилиши учун давлат бюджетидан 28 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратиш режалаштирилган. Албатта, шунча маблағ эвазига бино мустаҳкам, замонавий ва сифатли қад ростлаши лозим.

Яқинда дастур бўйича қурилаётган маърифат масканидаги қурилиш жараёни билан назорат инспекцияси, прокуратура ходимлари яқиндан танишишди. Маълум бўлишича, Инвестиция дастурига киритилган бу иншоотда қурилиш-монтаж ишлари "Темир қалқон" МЧЖ томонидан бажариляпти. Лойиҳа ҳужжатлари "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖнинг вилоят филиали томонидан ишлаб чиқилган. Қурилишда ўзининг ички назоратчилари, техник ва муаллифлик назоратчилари мавжуд. Булардан ташқари, вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ҳам ишларни мунтазам назорат қилиб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир объектда қурилиш қонун-қоидасига, талаб ва меъёрларига амал қилиниши шарт. Давлат дастурлари ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича вилоят ҳудудий штаби томонидан жорий йилнинг ўтган олти ойида 1009 та ўрганиш олиб борилган. Шундан, 283 та ҳолатда сифатсиз бажарилган ишлар аниқланиб, бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилган. Жойларда ўтказилаётган текширишлар, таҳлиллар натижалари бу борада камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатмоқда. Бундай ҳолатлар билан эса асло, муроса қилиб бўлмайди.

# Махсус техникалар келтирилди

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,** "O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Бугун инсоният ва сайёрамиз келажаги кўп жиҳатдан атроф-муҳитни асраш, жумладан, табиатнинг ифлосланиши, табиий ва маданий ландшафтларга инсонлар ва табиий офатларнинг салбий таъсири оқибатида юзага келувчи долзарб муаммоларни ҳал этиш салоҳиятига боғлиқ бўлиб қолди. Шунингдек, ҳозирги кунда чиқиндилар атроф-муҳитни ифлослантириши оқибатида табиатга, инсонлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдираётганлиги барчага маълум. Шу каби муаммоларни ҳал қилиш бугунги кунда чиқиндилар билан самарали ишлаш ва уларни ўз вақтида бартараф этишни тақозо этади.**



Бу борада Қашқадарё вилояти, жумладан, Қарши шаҳридаги қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш фаолияти билан шуғулланувчи "Қашқадарё экотранс" МЧЖга яна 17 та янги махсус техника олиб келинди. Умуман, бугунги кунда корхонада 61 та механизм мавжуд бўлиб, улардан 14 тасида фаолият билан боғлиқ бошқа зарур юмушлар бажарилади. Маълумотларга кўра, МЧЖга келтирилган янги махсус техникаларни молиялаштириш масаласи Осиё тараққиёт банки томонидан маъқулланган лойиҳа доирасида, ҳар бири 1 миллиард 300 миллион сўмдан харид қилинган.

Ҳудудлардаги қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетишга мўлжалланган янги махсус техникалар "Қашқадарё экотранс"дан бириктирилган ҳайдовчиларга тантанали тарзда топширилди.

– Ҳозиргача корхонамизда 170 нафар ишчи фаолият юритиб келаётган эди, – деди корхона раҳбари Хўжамқул Нурқулов. – Янги транспорт воситалари олиб келиниши ҳисобига яна 50 дан зиёд қўшимча иш ўрни очилди. Рақамларда келтирилишича, айни пайтда Қашқадарё вилоятида 12 та корхона қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш фаолияти билан шуғулланмоқда. Яккабоғ тумани ҳудудида 18 та, Касби туманида 17 та, Шаҳрисабз туманида 16 та, Китоб тумани ва Шаҳрисабз шаҳрида 15 тадан, Ғузор туманида 14 та, Қарши туманида 11 та, Косон туманида 10 та, Чироқчи ва Кўкдала туманлари ҳудудларида 10 та, Қамаши ва Муборак туманларида 9 тадан, Нишон ва Деҳқонобод туманларида 8 тадан, Миришкор туманида 7 та махсус техника ёрдамида қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизмати кўрсатиб келинмоқда.

Янги махсус техникаларни "Қашқадарё экотранс" жамоасига тантанали топшириш маросимида вилоят ҳокими Мурот-жон Азимов ва сектор раҳбарлари, Қарши шаҳар ҳокимлиги вакиллари иштирок этишди. Вилоят ҳокими махсус техникалар калитини топширар экан, республикамиз бўйлаб 30 июлдан 30 августгача "Ободонлаштириш ойлиги" доирасида ўтказиладиган акция вақтида ушбу техникларнинг вилоятга олиб келиниши айни муддао бўлганлигини, энди улар шаҳарнинг тозалиги ва ободлиги учун ўз ҳиссасини қўшишини таъкидлади.




# ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР КОРХОНА ИСТИҚБОЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

**Жаҳонгир ҲАСАНОВ,** “Навоийуран” давлат корхонаси бош директори.



**Ўзбекистон табиий уран ишлаб чиқарувчи етакчи 5 давлатдан бири сифатида сўнгги йилларда мазкур тармоқ ривожига алоҳида эътибор қаратмоқда. Айтиш мумкинки, республикамизда узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини амалга ошириш давомида уран саноати тармоғи ҳам тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Буни биргина “Навоийуран” давлат корхонасининг ташкил этилишида ҳам кўришимиз мумкин. Корхонага халқаро стандартларга мувофиқ энергия самарадорлиги ва экологик хавфсизлик чораларини таъминлаган ҳолда фойдаланишда бўлган табиий уран конларини ишлатиш, уран конларида мавжуд ноёб ва нодир металларни қазиб олиш, қайта ишлаш ва уран оксидини экспорт қилиш вазифаси юклатилди. Расман 2022 йил январь ойидан “Навоийуран” давлат корхонаси сифатида ўз фаолиятини бошлади.**

Шу қисқа вақт ичида аҳил жамоанинг фидокорона меҳнатлари натижасида асосий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва маҳсулот экспорти бўйича режалар шараф билан уддаланиб келинмоқда. Ҳозирги кунда корхона барқарор ва жадал ривожланаётган субъект бўлиб, ўз маҳсулотини 100 фоиз экспортга йўналтираётган мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳнамолигида корхона трансформациясини жадаллаштириш, унинг жозибадорлигини орттириш, корхонанинг инвестициявий фаолияти самарадорлигини ҳамда ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар сифатини оширишга қаратилган тадбирлар белгилаб олинган. Шунингдек, замонавий корпоратив бошқарув тизимини яратиш ва маълумотларнинг шаффофлигини таъминлаш бўйича ишлар тез суръатларда олиб борилмоқда.

Маълумки, саноатни, умуман ишлаб чиқаришни модернизация қилишни, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. “Навоийуран” давлат корхонаси ҳам ўз инвестиция сиёсатига эга бўлиб, 2030 йилга қадар корхонани ривожлантириш бўйича тегишли дастурлар қабул қилинган. Корхонанинг истиқболини белгилаб берувчи муҳим тарихий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июлдаги “2022-2030 йилларда “Навоийуран” давлат корхонасида уранни қазиб олиш, қайта ишлаш ҳажмларини ошириш ҳамда уни трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-319-сонли қарорида ҳам бу борада аниқ вазифалар белгилаб берилган. Хусусан, уран хомашё базасини барқарор ривожлантириш, уни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш, соҳани трансформация қилиш ҳамда унга инвестиция ва замонавий технологияларни жалб этиш, пировардида геология ўрганишларидан чуқур қайта ишланган маҳсулот олишгача бўлган жараённи қамраб оладиган замонавий корхона фаолиятини йўлга қўйиш мақсадлари қарор асосини ташкил қилади.

Малакали геологларнинг олиб борган изланишлари натижасида ўтган 2022 йилда конлар сони биттага кўпайиб, жами 20 тага етди. Хусусан, “Навоийуран” давлат корхонаси томонидан уран қазиб олиш ва қайта ишлашни кўпайтириш мақсадида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаси” бўйича “Ақтау” конида руда қазиш майдонини қуриш мўлжалланган эди. Уч босқичдан иборат бўлган лойиҳанинг умумий қиймати 5 млн доллар бўлиб, унинг ташкил этилиши билан жами юзга яқин янги иш ўрни яратилади. Мутахассис геологларнинг таъкидлашича, “Ақтау” конининг захиралари дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 15 йилга етади. Шунингдек, кондан қазиб олинган уран концентрати корхонамизнинг 2023 йил ишлаб чиқариш ҳажмига қарийб 2 фоиз ҳисса бўлиб қўшилади.

Албатта, қарорда кўрсатиб ўтилган инвестиция лойиҳаларининг рўйхатига мувофиқ уларни амалга ошириш муддатларини, йиллар кесимида лойиҳалар доирасида маблағларни ўзлаштириш бўйича кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва бу ишларни амалга ошириш тартиби ҳам белгилаб олинган. Бу эса ишларни жадаллаштириш ва сифатли амалга оширишга замин ҳозирлайди. Бундан ташқари, “Ақтау” конида руда қазиш майдонини қуриш, асосий технологик ва транспорт ускуналар паркини кенгайтириш, истиқболли майдонларда қазиб олиш ва қайта ишлаш қувватларини қуриш, геология-қидирув ишларининг технологик ва транспорт ускуналар паркини кенгайтириш, “Зафаробод” кон бошқармаси ва “Учқудуқ”, “Нуробод” ишлаб чиқариш майдонларининг қазиб олиш ва қайта ишлаш қувватларини техник ва технологик қайта жиҳозлаш лойиҳаларнинг биринчи босқичи амалга оширилди.

Шунингдек, “Жанубий Жингелди майдонида қазиб олиш ва қайта ишлаш қувватларини қуриш” инвестиция лойиҳаси Франциянинг “Orano Mining” компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-459-сонли қарори корхона инвестиция лойиҳаларини янада янги босқичга олиб чиқди. Ушбу қарор билан тасдиқланган “2023 йилда инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш бўйича йиғма манзилли дастури”га асосан “Навоийуран” давлат корхонаси томонидан жами 7 та инвестиция лойиҳа амалга оширилмоқда. Шундан, 2023 йилга мўлжалланган лойиҳалар доирасида 61,7 млн доллар (734,2 млрд сўм) миқдорида маблағларни молиялаштириш ҳамда ўзлаштириш кўзда тутилган. Ушбу ҳужжат билан тасдиқланган умумий қиймати 376,3 млн долларга тенг бўлган ушбу 7 та инвестиция лойиҳани 2030 йилга қадар амалга оширилиши корхонанинг кейинги тараққиётида муҳим ўрин тутади.

Корхона инвестиция дастурнинг манзилли қисми бўйича тасдиқланган тармоқ жадвалларга мувофиқ, январь-июнь ойларида 23,5 млн доллар маблағлар ўзлаштирилди. Жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида 510 дан ортиқ технологик ускуна, 93 дан ортиқ транспорт ускунаси, 100 дан ортиқ энергетик ускуна харид қилинди. Йил якуни билан “Навоийуран” ДК томонидан Инвестиция дастурига мувофиқ 61,7 млн доллар (ўсиш суръати 1,9 баробар) миқдорида маблағларни ўзлаштириш режалаштирилган.

Ишлаб чиқаришнинг мақсадли кўрсаткичларини сўзсиз бажариш билан бирга, самарали ишлаб чиқариш технологияларини ва замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш, корхона трансформациясини жадаллаштириш, моддий-техника, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича ҳам улкан вазифалар турибди. Албатта, ҳар қандай инвестиция лойиҳасининг истиқболи лойиҳа олди ҳужжатларнинг мукаммал ва пухта ишлаб чиқилишига бевосита боғлиқ. Корхона раҳбарияти ва мутахассислари томонидан 2022-2030 йиллар давомида уран қазиб олиш ва қайта ишлашнинг мақсадли кўрсаткичларини бажариш ҳамда инвестиция лойиҳалари доирасидаги лойиҳа олди ҳамда лойиҳа ҳужжатлари ўз вақтида ишлаб чиқишни таъминлаш мақсадида 2023-2024 йиллар давомида ҳар бир майдон ҳамда конлар кесимида ўрганиш ва геология-қидирув ишларини олиб бориш дастури ишлаб чиқилди. Шу билан биргаликда, сульфат кислотаси цехининг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш инвестиция лойиҳаси бўйича “Ўзкимёсаноатлойиҳа” институти билан шартнома имзоланди. Уран ишлаб чиқариш заводини кенгайтириш ва реконструкция қилиш инвестиция лойиҳасининг лойиҳа олди ҳужжатлари якунланди.




Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июлдаги 319-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқариш қувватларини оширишга қаратилган 6 та қўшимча лойиҳа ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, пластмасса қувурлари ва маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 2-геотехнологик конининг мавжуд биносини реконструкция қилиш объекти доирасида ишлар олиб борилмоқда. Лойиҳани ишга тушириш натижасида пластмасса қувурлари ва маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажми ҳозирги 7 200 тоннадан 15 000 тоннага етказилади. Марказий моддий техника базаси ҳудудида вагонларни техник кўрикдан ўтказиш ва таъмирлаш депосини қуриш лойиҳасининг амалга оширилиши натижасида корхонанинг ўз кучи билан бир йилда 350 та вагон-цистерналарга хизмат кўрсатиши йўлга қўйилади. Шунингдек, Уран ишлаб чиқариш заводини табиий газ билан таъминлаш лойиҳаси ҳам кўзда тутилган бўлиб, бу завод қувватларини янада оширади ва табиий газга бўлган эҳтиёжни тўлиқ таъминлаш имконини беради.

“Нурота” геология қидирув экспедицияси ҳудудида намуналарни майдалаш цехини қуриш” лойиҳасини ишга тушириш билан корхонанинг ўз кучи билан замонавий ускуналарни қўллаган ҳолда намуналарни майдалаш ҳамда ишлов бериш шароити яратилади. “Букантау” геология қидирув экспедицияси ҳудудида намуналарни сақлаш омборхонасини қуриш лойиҳаси намуналарни сақлаш ва ҳисобга олиш шароитларининг янада яхшиланишига олиб келади. “Учқудуқ” ишлаб чиқариш майдони ҳудудида маиший бино қуриш лойиҳаси эса 600 нафар ишчи-ходимларга мўлжалланган бир вақтнинг ўзида ювиниш ва кийим тозалаш мажмуасига асос бўлмоқда.

Корхона фаолиятида Инвестицион дастур алоҳида ўрин тутади. Бунинг ҳисобига кўплаб янги лойиҳалар ишга туширилмоқда. Жорий йилнинг 1-ярим йиллигига мўлжалланган лойиҳалар ҳам ўз муддатида ва сифатли амалга оширилиб, фойдаланишга топширилди. Хусусан, умумий қиймати 4 млрд сўм бўлган пластик қувурлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш цехи ҳудудида маъмурий-маиший бино қуриш лойиҳаси нурободликларга катта туҳфа бўлди. Шунингдек, корхонанинг алоқа ва коммуникация тизимини ислоҳ қилишни назарда тутувчи умумий қиймати 2,5 млрд сўм бўлган Халқаро телекоммуникация тармоқларига, шу жумладан, IP-телефония технологиясидан фойдаланган ҳолда уланиш лойиҳаси амалга оширилди. Бундан ташқари, 2022-2023 йилларга мўлжалланган 200 литрли металл бочкалар ишлаб чиқариш учун Жанубий Букинай 2-геотехнологик коннинг мавжуд биносини реконструкция қилиш лойиҳалари бўйича қурилиш-монтаж ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Мамлакат иқтисодий ўсиш шартларидан бири бу – хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион фаоллигини кучайтириш ҳисобланади. Зеро, инвестиция ҳар қандай ривожланиш даражасида иқтисодиётнинг муҳим элементидир. Тармоқларни ривожлантиришга сармоя киритиш ва иш самарадорлигини ошириш нафақат корхона, балки мамлакат иқтисодиётининг ўсишига, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошишига, янги иш ўринлари яратилиб, ишчи-ходимларнинг меҳнат ва яшаш шароитлари яхшиланишига туртки бўлади. Шу билан биргаликда, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар сони ортиб, экспорт географияси ҳам кенгаяди. Қўшимча қиймат яратилиб, маҳсулотлар таннархи сезиларли даражада тушишига олиб келади.

“Навоийуран” давлат корхонаси томонидан янги лойиҳаларга инвестиция киритилишидан кўзланган мақсад ҳам шу, аслида.

## Ёшлар технопарки фойдаланишга топширилди




**Замонавий қулайликларга эга, ёшларимиз бахту иқболи учун хизмат қиладиган Навоий ёшлар технопаркининг қуриб фойдаланишга топширилгани ёшлар учун чинакамига байрам совғаси бўлди.**

Ушбу мажмуа вилоятнинг иқтидорли йигит-қизлари ҳаётига янгича мазмун бахш этиб, қизиқишлари ва интилишларига ҳамоҳанг тарзда инновацион ғояларига ва мақсадларини амалга оширишга хизмат қилади.

Бинонинг очилиш маросимида вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан келган юзлаб ёшлар иштирок этиб, янги ғоялар ҳамда янги лойиҳалар юзасидан фикр алмашишди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Кармана ва Қизилтепа инновацион туманлари учун умумий қиймати 19,8 млрд сўмлик 22 та тижоратлаштириш ва стартап лойиҳа шакллантирилган. Уларни амалга ошириш орқали вилоятда кўплаб иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

## “Сукетти”га сув келди

**Давлатимиз раҳбарининг ПҚ-408-сонли қарори асосида жорий йилда Навоий вилоятининг кўплаб туман ва шаҳарлари тоза ичимлик суви билан таъминланиб, минглаб хонадонларга оби ҳаёт кириб борди.**

Вилоят марказидан 240 километр олисда жойлашган Томди туманининг “Сукетти” овули саҳронинг қоқ ўртасида жойлашган. Чорвачилик ривожланган ушбу ҳудудга тоза ичимлик суви кириб келиши овул аҳолисининг кўп йиллик орзуси эди. Мустақиллик байрами арафасида овул аҳолиси учун янги ичимлик суви иншооти қуриб фойдаланишга топширилгани уларга ҳақиқий қувонч бағишлади. Эндиликда аҳоли марказлашган тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имконига эга. Ушбу иншоот қурилишига 1960,1 млн сўм маблағ йўналтирилган бўлиб, 7,8 километр ичимлик суви тармоқлари тортилди.

## Кадрлар малакаси оширилмоқда

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг 2023 йил 7 мартдаги буйруғига асосан, Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси ҳамда Навоий архитектура ва қурилиш техникумининг қўшма чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Унда белгиланган вазифаларни ижро этиш мақсадида доимий равишда ҳамкорлик олиб борилмоқда.**

Яқинда Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси таклифига кўра, техникум раҳбариятидан иборат жамоа вилоят бошқармасига ташриф буюрди. Қурилиш-пудрат ташкилотлари ва бошқарув сервис компаниялари раҳбарлари билан учрашув ўтказилди. Унда бошқарма бошлиғи в.в.б. Озод Шодиев сўзга чиқиб, қурилиш соҳасида ислоҳотларни амалга оширишда қўйилаётган талабларни тўлақонли бажариш учун бевосита мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёж ошиб бораётгани, бу эҳтиёжни таъминлаш учун кадрларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш борасида таълим муассасаларида қисқа муддатли курслар ташкил этилаётгани ҳақида гапирди.

Техникумнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Ирода Умарова ҳам сўзга чиқиб, белгиланган тартибга асосан техникумда кўп квартирали уйларни бошқариш органлари ходимларининг даврий малакасини ошириш тизими йўлга қўйилгани ҳамда қисқа муддатли курслар фаолият бошлагани ҳақида маълумот берди. Шунингдек, ўқув курсларини сифатли ва самарали ташкил этиш мақсадида техникумнинг моддий-техник базаси замонавий ўқув қуроллар билан қайта жиҳозлангани, хоналар замонавий кўргазмалар билан бойитилиб, ўқув-амалиёт дарслари мазмунли ташкил этилгани ҳақида ҳам сўз борди. Шулар баробарида, ўқув-амалиёт полигонида янги 150 ўринли устахона қуриб, фойдаланишга топширилгани айтиб ўтилди.

Йиғилганлар техникумдаги сантехник жиҳозларни монтаж қилиш ишлари, электромонтажчи, электрогазпайвандлаш, дурадгорлик, бўёқчи-безакчи, гипсокартон монтажчиси каби касбларга ўқитиш ва малака ошириш юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Шунингдек, тадбирда иштирок этган БСКлар ва техникум ўртасида шартномалар тузилди.

**Саҳифани “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири Ҳилола ИСМАТОВА тайёрлади.**

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№76-77 (729-730) 2023 йил 29 август







ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ
КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ
Гўзал юртимизнинг
энг улуғ айёми
барчангизга қутлуғ бўлсин.
ҲАР БИР ОТАЁТГАН ТОНГИМИЗ
ФАРАХБАХШ ОРЗУЛАРГА ТЎЛА БЎЛСИН.
АЗИЗ ВА САМИМИЙ ХАЛҚИМИЗГА
САЛОМАТЛИК, БАХТУ САОДАТ
ЁР БЎЛИШИНИ ТИЛАЙМИЗ!


ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ
КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ
СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ИНСПЕКЦИЯСИ
AMIR
TEMUR
ЖОНАЖОН ЮРТИМИЗНИНГ
ЭНГ ГЎЗАЛ БАЙРАМИ БИЛАН
ТАБРИКЛАЙМИЗ.
МУСТАҚИЛЛИКНИНГ
32 ЙИЛЛИК ТАНТАНАСИ
НИШОНЛАНАЁТГАН
БУГУНГИДЕК ШОДУ
ХУРРАМЛИК ЮРТИМИЗНИ
ҲЕЧ ҚАЧОН ТАРК ЭТМАСИН.


НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ
КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ
ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 32 ЙИЛЛИГИ БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!
Бу йўлда заҳмат чеккан ота-боболаримизнинг муносиб давомчилари бўлиб, юртимиз донғини дунёга таратишингизда улкан омадлар тилаймиз.


НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ
Мустақиллик - энг улуғ байрам. Ушбу байрам билан барча юртдошларимизни муборакбод этамиз!
БАЙРАМУ ШОДИЁНАГА БОЙ ЖОНАЖОН ДИЁРИМИЗ АҲЛИГА БАХТУ САОДАТ, ОМАД ВА ЗАФАРЛАР ЁР БЎЛСИН.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№76-77 (729-730) 2023 йил 29 август



# БАРЧА БИНОЛАР ҲАР БЕШ ЁКИ ЎН ЙИЛДА ТЕХНИК НАЗОРАТДАН ЎТКАЗИЛИШИ КЕРАК



**Мамлакатимизнинг қайси ҳудудига бормайлик, албатта, у ерда катта қурилиш ишларига кўзимиз тушади. Қад ростлаган бир-биридан кўркам ва замонавий бинолар, иншоотларни кўриб, кўзингиз қувнайди.**
**Шу сабабли, бугун биз кейинги йилларда қурилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва унинг натижалари ҳақида фикр юритишни афзал кўрдик.**
**Айнан шу мавзуда ЎзА мухбири Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА тажрибали архитектор Шоқобил ШОРАҲМЕДОВнинг соҳа вакили сифатидаги кузатувлари, фикрларини билиш мақсадида суҳбатлашди.**

**– Шоқобил Қодирович, ижтимоий тармоқ кузатувчилари сизни қурилиш соҳасидаги кескин танқидий фикрларингиз орқали яхши эслашади. Ўшанда сўзингизни латифа билан бошлагандингиз...**

– Халқимиз ҳажвия, аскияларни яхши кўради. Шу сабабли, ўша тадбирда одамларнинг эътиборини тортиш мақсадида айтган эдим. Латифада пианинони нотўғри жойга қўйиш ҳақида сўз боради. Қурилишда, айниқса, шаҳарни режалаштиришда бу каби иш тутмаслик керак, демоқчи бўлганман.

**– Қонунчиликка кўра шаҳарсозлик ишлари бош режага асосланиши талаб этилади. Бугунги қурилишлар айнан шу талабларга жавоб бера оладими?**

– Очиғини айтганда, қурилишда бош режа муҳим ҳисобланади. Чунки ҳамма иш режали бўлиши зарур. Маслаҳатли тўй тарқамас, дейди халқимиз. Тўғри, мамлакатимизда жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Қурилиш соҳасига оид бир қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Ишлаб чиқаришга ва тадбиркорликка кенг йўл очилди. Лекин шаҳарсозлик режаси ҳар хил автомобиллар ҳаракатланувчи катта, гавжум кўчага ўхшайди. Агар улар битта қонунга риоя қилмаса, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Шаҳарсозлик режаси ҳам худди шундай.

Албатта, яхши жиҳатларни таъкидлаш лозим. Масалан, Тошкентнинг эски, кўримсиз уйлари ўрнида Тошкент Сити барпо этилди. Шаҳарнинг шарқий тарафида яхши массивлар барпо этиляпти. Лекин қурилишда айрим камчиликлар ҳам бор. Айнан шу камчиликлар бизга халақит беради. Масалан, режалаштирилаётганда ҳамма нарса эътиборга олиниши керак. Масалан, муҳандислик тармоқлари – электр, газ, сув тизими чуқур ўйлаб амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ўтган қиш бунга тайёр эмаслигимизни яна бир бор кўрсатди.

Шаҳар қурилиши турли тадбиркорлар томонидан олиб борилмоқда. Лекин биз шаҳарсозлик талабларга риоя қилишимиз шарт ва зарур. Масалан, Чилонзор туманидаги Ҳамза маҳалласининг кўча юзида офис қуриб қўйилган, ёки сувнинг бўйида машина ювиш шохобчаси бор. Булар шаҳарсозлик талабларига мос келмайди. Мен улар фаолиятига қарши эмасман. Бироқ ҳар бир иш режали бўлса, ҳар қандай ноқулайликларнинг олди олинган бўлар эди.

Тўғри, қурилиш бош режа асосида амал оширилмоқда, лекин айрим жойларда бу талабларга эътибор берилмаётганини ҳам кўриш мумкин. Асосийси, ноқонуний қурилишларга чек қўйиш зарур. Ҳар бир қурилиш режа асосида қилинсагина уйларни, кўчаларни тўғри барпо этган бўламиз. Мен истардимки, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ҳам шаҳарсозлик соҳасида Тошкентга берилган урғуни бериш керак.

**– Ўзбекистон ўзининг тарихий обидалари билан маълум-у машҳур. Суҳбатимиз бевосита қурилиш билан боғлиқ бўлгани учун тарихий бино ва иншоотларни сақлаб қолишда нималарга эътибор бериш керак?**

– Мисол тариқасида Тошкент шаҳрини олсак. Бу шаҳар собиқ тузум даврида ўзига яраша кўринишга эга эди. Афсуски, улар бузилиб кетди. Масалан, Чорсудаги ҳаммом биноси, Геология музейи, Киночилар уйи, Муз саройи, Шимолий вокзалдаги автомобиль кўприги бузилиб кетди. Ахир, улар бизнинг тарихимиз эди. Лекин Президентимиз ташаббуси билан Муз саройи, Шимолий вокзалдаги кўприк қайта тикланди.

Албатта, тарихий биноларга эътибор бериш керак. Мен яшайдиган Кўкча маҳалласи 1950 йилларда қурилган. Ўша давр ҳукумат қарори билан рангли металлургияни ривожлантирш учун мўлжалланган кичкина шаҳарча бўлган. Бу ҳаммага андоза бўлиш керак эди. Афсуски, ундан ҳам жудо бўлдик. Ахир, бу бизнинг тарихку ?!

Тошкентдаги икки қаватли уйлар бузилди. Лекин Президент қарорида кўримсиз, авария ҳолатига келган бинолар назарда тутилган эди. Ҳукумат ва Президент қарорларини тўғри талқин қилишимиз ва шунга асосан бузиш ишларини эҳтиёткорлик билан ташкил этиш лозим.

Европа мамлакатларида янги бинолар қуриш баробарида эски биноларни ҳам сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратилади. Ана шундай эътибор билан Ўзбекистонимиз тарихини сақлаб қолишимиз керак.

**– Кейинги пайтда юртимиз катта қурилиш майдонига айланди. Боиси, кўплаб иншоотлар, кўп қаватли уйлар қурилмоқда. Тажрибали архитектор сифатида бундай қурилиш жараёнига қандай баҳо берасиз?**

– Бугунги кунда қурилиш ҳажми ошиб бормоқда ва бу жараёнда сифат ўта муҳим ҳисобланади. Тадбиркорлар яхши ишлар қилмоқда, лекин уларнинг кўпчилиги ҳаётида биринчи марта қурилишга қўл ураётгани сезилиб қолмоқда. Бунда катта масъулият борлигини унутмаслик талаб этилади.

**– Кадрлар ва мутахассислар салоҳияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

– Ўз фаолиятим сабаб кўп талабаларни кўрдим. Соҳага келаётган талабаларда интилиш бор, лекин билим даражаси пастроқ. Уларнинг айримлари нафақат ўз соҳасида, ҳатто мактаб дастури бўйича берилган саволларга ҳам жавоб бера олишмайди. Албатта, бу яхши эмас, чунки кадрлар ҳамма нарсани ҳал қилади. Бизга сифатли, билимли ва профессионал кадрлар керак.

Мамлакатимиз қурилиш институтлари шу жиҳатларга алоҳида эътибор бериши ва Ўзбекистонимиз учун мустаҳкам пойдевор ярата оладиган билимли кадрларни етиштириши зарур.

**– Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари сифати талаб ва таклифга мосми?**

– Ўринли савол бўлди. Қувонарлиси шуки, мамлакатимизда кўплаб қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган даврларда ғишт танқчил бўларди. Бугун эса бунга барҳам берилди. Юртимизда каолин хомашёси кўп. Шу асосда ишлаб чиқарилаётган керамик плиткалар сифати ва арзонлиги билан ажралиб туради.

Яқинда Наманганда бўлдим. У ерда кўплаб цемент ишлаб чиқариш заводлари ишга туширилганини кўриб қувондим. Бироқ қурилиш маҳсулотлари сифати бўйича назоратни кучайтиришимиз керак.

Қурилишнинг асосий уч устуни бор – профессионал кадрлар, сифатли материаллар ва янги технологиялардир. Шу уч устун асосида сифатли қурилишга эришилади.

**– Зилзилабардош биноларни қуришда нималарга эътибор бериш керак ва қандай тавсиялар берасиз?**

– Туркияда бўлган кучли зилзиладан хулоса қилган ҳолда, мамлакатимизда қурилган биноларни техник кўрикдан ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Масалан, автомобиллар ҳар йили техник назоратдан ўтказилади. Шу каби биноларни ҳам, уларнинг эски ёки янгилигидан қатъи назар, ҳар беш ёки ўн йилда техник назоратдан ўтказилса, мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этишда яхши имкониятларни очиб беради.

# НАФИС ВА СИФАТЛИ ЛОЙИҲАЛАР ИЖОДКОРЛАРИ

Ҳамза ШУКУРОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Мамлакатимизда қад ростлаётган иншоотларнинг кўркам кўриниши ҳар қандай кишини ўзига мафтун айлайди. Кейинги йилларда бундай бунёдкорлик ишлари шаҳарлардан қишлоқларга ҳам кўчди. Айниқса, туманлар марказларида барпо этилаётган замонавий турар жойлар ўзгача чирой касб этиб, юрт гўзаллигига гўзаллик қўшаяпти. Бу – тармоқда фаолият кўрсатаётган ишчи-хизматчиларнинг ўз бурчини пухта бажараётганидан далолатдир.**



Бу борада лойиҳа-қидирув ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар, соҳа мутахассисларининг изланишлари, уларнинг самарали меҳнатлари туфайли янги-янги лойиҳаларнинг юзага келаётгани эътиборга лойиқдир. Айтиш кераккки, Янги Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашида мазкур соҳа ходимларининг алоҳида ҳиссаси бор. Бу борада Самарқандда фаолият олиб бораётган "Maroqand bunyodkor qurilish" масъулияти чекланган жамияти жамоасининг ишлари диққатга сазовордир.

Жамоа ўн йилдан буён кўплаб бино ва иншоотларнинг лойиҳаларини тайёрлаб, қурилиш-бунёдкорлик соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшиб келяпти. Жамиятда тажрибали ва малакали мутахассислар, дизайнерлар меҳнат қилади. Улар яратаётган лойиҳалар ўзига хослиги билан бошқа турдош идораларникидан алоҳида ажралиб туради. Жамият раҳбари Алланиёз Давлатовни соҳа мураббийларидан бири экани ҳақида бемалол гапириш мумкин. Негаки, айни пайтда унинг 20 дан ортиқ шогирди шу соҳада фаолият кўрсатмоқда. Қачон қараманг, устоз шогирдларининг муваффақияти ҳақида мароқ билан гапиради.

2023 йилнинг ўтган ойларида жамоа Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси, "Ўзсувтаъминот" акциядорлик жамияти "Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" унитар корхонаси, Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси, Самарқанд вилоят автомобиль йўллар бошқармаси, Миришкор туман ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" давлат унитар корхонаси каби корхоналарнинг 15 та буюртмасини бажариб берди. Кўрсатилган хизматнинг сифатли ва вақтида бажарилганидан буюртмачилар ҳам мамнун.

Айтиш мумкинки, "Maroqand bunyodkor qurilish" лойиҳалаштириш институтида тайёрланадиган лойиҳалар ҳамиша сифатлилиги билан буюрмачилар эътиборини тортиб келган. Шу сабабдан ҳам, бу жамиятнинг мижозлари кўп ва улар сони йил сайин ошмоқда. Жойларда бундай лойиҳалар асосида бунёд этилаётган иморатлар, завод-фабрикалар, турар жойлар, жамоат бинолари мустаҳкамлиги, ташқи қиёфаси томонидан ҳам эътиборни тортади. Айни пайтда жамият лойиҳалари асосидаги бундай бинолар республикамизнинг кўпгина ҳудудларида барпо этиляпти.

Масалан, Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлашга ихтисослашган "Food city Tashkent" МЧЖ, Жиззах вилоятидаги "ADM Jizzakh" автомобиль заводи, Сурхондарё вилоятидаги йилига 360 минг тонна цемент ишлаб чиқарувчи завод, "Ургут" эркин иқтисодий зонасидаги кўчалар, Қўшработ туманидаги асфальт заводи, Ички ишлар вазирлиги учун спорт мажмуаси ва бошқа маданий-маиший иншоотларнинг лойиҳалари айнан шу жамоа ижодкорлари қўлида сайқал топган.

Меҳнат жамоасига тамал тошини қўйган устозларнинг ҳамон ёшларга ўз тажрибаларини ўргатаётгани ҳам қувончли ҳол. Нодиржон ва Ботиржон Давлатов, Бахтиёр Ярматов, Жамшид Алимов, Азиз Қувондиқов, Анвар Рўзиқулов, Мансур Ҳайдаволов, Миржалол Абдураҳмонов, Шоҳруҳ Нишонов каби ўз соҳасининг усталари айни пайтда ҳам жўшқин ижод билан банд.

# "Янги Ўзбекистон" массивида замонавий боғча барпо этилди

**"Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!" бош ғояси асосида нишонланадиган Ватанимиз истиқлолининг ўттиз икки йиллик байрами арафасида юртимизда, шу жумладан, Наманган вилоятида бир қатор янги ижтимоий, иқтисодий объектлар фойдаланишга топширилмоқда.**

Поп туманининг олис ҳудудларидан бири – Миришкор маҳалласида Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги "Янги Ўзбекистон" массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижроси доирасида қад ростлаётган "Янги Ўзбекистон" массивида 360 ўринга мўлжалланган янги 36-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти очилди.



Наманган вилояти ҳокими Шавкат Абдураззоқов тадбир иштирокчиларини энг улуғ, энг азиз айём мустақиллик байрами билан табриклаб, мамлакатимизда мактабгача таълимга қаратаётган эътибор ва унинг самараларига тўхталди.

Қайд этилганидек, вилоятда бундан олти йилча аввал боғчага қамров 22 фоиз эди. Ҳозирги кунга келиб эса бу кўрсаткич қарийб 79 фоизга етди. Бу, ўз навбатида, чекка ва олис қишлоқларда ҳам жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган замонавий мактабгача таълим ташкилотлари бунёд этилганининг ёрқин натижасидир.

Умумий қиймати 10 миллиард 200 миллион сўм эвазига барпо этилган янги замонавий болалар боғчасининг ишга тушиши туфайли 60 нафар ишчи-ходим ўрни яратилди. Бундай бунёдкорлик ишлари, айниқса, миллат тарбиясига қаратилаётган ғамхўрликлар ҳудуд аҳолисига хушкайфият улашмоқда, деб хабар беради ЎзА мухбири Оқилхон Дадабоев.

Бугунги кунда Поп туманида болажонларни боғчага қамров кўрсаткичи 86,4 фоизга етди. Бошқача айтганда, фаолият юритаётган 54 та давлат ва 247 та нодавлат, жами 301 та мактабгача таълим ташкилотига ҳудуддаги 18 минг 338 нафар 3-7 ёшли боланинг 15 минг 515 нафари қамраб олинишига эришилди.

## СИРДАРЁДАН ДАРАКЛАР

# Маҳалла биноси қуриб битказилди

Беҳзод АҲМАДКУЛОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Гулистон туманидаги "Боёвут" МФЙ биноси эски ва абгор аҳволга келиб қолган эди. Бугун эса маҳаллада фаолият юритаётганлар учун барча қулайликка эга янги бино қуриб, фойдаланишга топширилди. Замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган ва барча шароитларга эга ушбу маҳалла идораси боёвутликларга ажойиб байрам туҳфаси бўлди.**

Бинонинг очилиш маросимида Гулистон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Олимжон Жўраев сўзга чиқиб, сўнгги йилларда мамлакатимизда маҳалла институти фаолиятини янада ривожлантириш, уни энг халқчил тузилмага айлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Тадбирда туман ИИБ бошлиғи Музаффар Расулов ва Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи Шуҳрат Хушмуродовлар иштирок этиб, маҳалла фуқароларини янги бино билан табриклашди.




Маълумот учун, "Боёвут" маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси тадбиркор Хайрулла Қурбонов бошчилигидаги "Улуғбек" хусусий корхонаси томонидан барпо этилиб, қурилиш ишларига 435 миллион сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, Маҳалла хайрия жамоат фондининг Гулистон туман бўлими томонидан 6,5 миллион сўмлик мебеллар жамланмаси ҳам топширилди.

# Сув – бу ҳаёт манбаи!

**Гулистон тумани марказидаги маҳаллаларда бир неча кундан бери ичимлик суви тармоқларида қатор муаммолар кузатилаётган эди. Бироқ "Сирдарё сув таъминоти" МЧЖ Гулистон тумани бўлими томонидан муаммолар ўз ечимини топмоқда.**

Хусусан, Аҳиллик маҳалласининг Туркистон кўчасидаги ДМ 219 лик бўлган ичимлик суви тармоғининг 4 метр яроқсиз ҳолга келиб қолган қисми "Сирдарё сув таъминоти" МЧЖ Гулистон тумани бўлими ишчи-ходимлари томонидан янгисига алмаштирилди. Натижада, 2 мингдан зиёд аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

# Сайёр қабулда мурожаатлар ҳал этилди

**Яқинда Сирдарё вилояти ҳокими Акмалжон Маҳмудалиев бошчилигида туман ҳокимлиги биносида фуқаролар мурожаатларини ўрганиш мақсадида сайёр қабул ўтказилди. Унда фуқаролар томонидан электр энергияси, табиий газ таъминотини яхшилаш, ички йўллар таъмири масалаларида мурожаатлар тушган эди.**



Ибрат маҳалласининг Мингтерак кўчаси 51-уйда яшовчи фуқаро Музаффар Исақовнинг мурожаати бўйича электр устуни ўрнатиб берилди. Шунингдек, Зарбдор маҳалласи фуқароларининг мурожаати юзасидан Келажак сари ва Нурли йўл кўчаларига ҳам туман газ таъминоти корхонаси томонидан табиий газ тармоқларини тортиш ишлари амалга оширилди. Гулистон ТЙФУК тасарруфидаги давлат аҳамиятидаги 4Р-26 А/йўли асфальт бетон ёрдамида жорий таъмирланди.

Сайёр қабулдаги мурожаатлар ўз ечимини топаётганидан фуқаролар ҳам мамнун.

OʻZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№76-77 (729-730) 2023 йил 29 август

# ГАЗЧИ, ТАРБИЯЧИ ВА ҲУНАРМАНД АЁЛ

Азиз МАШРАБОВ, "Oʻzbekiston bunyodkori" мухбири.

**Аёл – она, рафиқа, ходим, раҳбар. Унинг юзида қуёш балқиб, кўзларида юлдуз чақнайди, киприкларида эса булутлар сузиб юради. Унинг кулгиларида ранг-баранг гуллар очилиб, фиғонида тошлар ёрилади... Ҳеч бир ижодкор йўққи, аёлни мадҳ этмаган, унинг шаъни ҳақида илиқ мисралар битмаган.**





Илгари фақат бола тарбияси, уй юмушлари билангина чекланган, ҳатто ташқари ҳовлига чиқиши таъқиқланган бу нозик хилқат вакиллари бугун чин маънода жамиятнинг фаол қатлами, юртимиз ривожланишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган фидойи инсонлардир. Улардан бири қаҳрамонимиз – Нафиса Тоғаева. Бугун Сурхондарё вилоятидаги газ таъминоти соҳаси вакилларининг барчаси бу аёлни танийди, ҳурмат қилади, яқинидай суяди. Боиси, Нафиса опа ўзининг меҳнаткашлиги, тажрибаси, қолаверса, самимийлиги билан меҳр ва эътибор қозонган.

Қаҳрамонимиз 2004 Термиз иқтисодиёт касб-ҳунар коллежини тамомлаган. Ҳозирги вақтда Термиз давлат университетида иккинчи мутахассислик бўйича учинчи босқич талабаси. Дастлабки фаолиятини Қумқўрғон туманидаги таълим муассасаларидан бошлади, кейинчалик ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритди.

– "Қумқўрғон туман газ таъминоти" бўлимида илк иш бошлаганим ёдимда, – дея эслайди Нафиса опа. – Шароитлар ҳозиргидек яхши эмасди. Ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи, ижро интизом бўлимларида ҳам ишладим. Ҳамкасбларим билан бирга маҳаллаларда газдан тўғри ва хавфсиз фойдаланиш бўйича тарғибот ишларини олиб борганмиз. Одамларнинг хурсандлиги, кўтаринки кайфияти бизни ҳам шод қиларди. Халққа қайсидир маънода ёрдам бераётганимиз, уларнинг оғирини енгил қилаётганимиздан ғурурланардик.

Нафиса Тоғаева 2001 йилдан бошлаб газ таъминоти тизимида меҳнат қилиб келади. Ўша йиллари сарфланган газ ҳажмини ҳисобга олиш ишлари ҳозиргидай замонавий ахборот коммуникацион технологиялар ёрдамида амалга оширилмаган. Истеъмолчиларга етказиб берилган табиий газ ҳажмларининг ҳисоб-китоби қўлда юритилганини опа ҳамон яхши эслайди. Кейинчалик ходимларга қисқартириш келганида қаҳрамонимиз туман газ таъминоти бўлимида қоровул вазифасида ишлай бошлади. Нафиса опа бу билан чегараланиб қолмай, 2020 йилда Термиз давлат университетининг рус тили йўналишига ўқишга кирди ва ўзининг хонадонида мўъжазгина синфхона ташкил қилди. Бугун эса Жийдали маҳалласининг 4-синфгача бўлган ўқувчиларига рус тили фанидан қўшимча дарс бериб келмоқда.

Вақтини тўғри тақсимлагани боис, фақат дарс бериш билан чекланиб қолмади. Кечки пайт уй юмушларидан бўшаганда, ҳунармандчиликнинг гул ясаш турлари билан ҳам шуғулланади. Опанинг айтишича, у ушбу қўл меҳнатлари маҳсулини туман мактабгача таълим ташкилотларига сотади. Бу ҳам оила бюджетига фойда. Қисқаси, йиллар қаҳрамонимизни сабр ва меҳнатда toблади. Фидойи ходим касбига шунчаки ёндашмади, зиммасидаги вазифаларни масъулият билан адо этди. Бугунги кунда Жийдали маҳалласидагилар газ жиҳозлари бузилиб қолса, дарров Нафиса опани чақиришади.

– Кўпчилик аёллар газ жиҳозимни кўриб беринг, деб мурожаат қилади, – деди биз билан суҳбатда Нафиса опа. – Қўлимдан келса, тузатиб бераман. Керакли асбобларни уйга олиб келиб қўйганман. Одамларга табиий газ яхши ёнмаса, қозонларни таги ва ошхонадаги пардаларни қорайтириб, уйнинг таъмирини ҳам бузишини кўп айтаман. Шунинг учун газдан тўғри ва хавфсиз фойдаланиш кераклигини уқтириб, туман газ таъминотида сервис хизмат кўрсатувчи чилангарларга мурожаат қилишларини тушунтираман.

Нафиса опа бўлим бошлиғи каби масъулиятли лавозимда ишлаганда ҳам, хизмат сафари билан бошқа туман ҳамда шаҳарларда юрганида ҳам бир ходим ва бир аёл сифатида нималарга қодирлигини намоён эта олди. Оила ва ишни бир маромда олиб бориш қаҳрамонимиз учун осон кечмади, албатта. Бунда унга турмуш ўртоғи Шодмон Норқулов яқиндан ёрдам берди, муаммоларига елка тутди, ҳар доим қўллаб-қувватлади. У изланишдан тўхтамайдиган инсонлардан. Яқинда рус тили бўйича халқаро С1 сертификатини қўлга киритди.

Айни вақтда қаҳрамонимиз "Қумқўрғон туман газ таъминоти" бўлимида навбатчи қоровул бўлиб меҳнат қилмоқда. Ҳамкасбларига сирдош, дилдош бўлишдан, ёш мутахассисларга эса устозлик қилишдан оғринмайди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 32 йиллиги байрами арафасида 4 нафар фарзанднинг меҳрибон онажониси, 4 нафар неваранинг қадрли бувижониси бўлган, умрининг салкам 22 йилини газ таъминоти соҳасига бағишлаган Нафиса Тоғаеванинг келгуси фаолиятига биз ҳам улкан муваффақият тилаймиз.

# 72 ёшида қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори бўлган отахон

**Ҳадиси шарифда "Бешикдан то қабргача илм изла", дейилган. Бу сўзлар 72 ёшида қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори бўлган ҳазорасплик Ибрагим Қурбоновнинг ҳаётий шиорига айланган. Отахон билан бу даражага қандай эришгани ҳақида суҳбатлашдик.**



**– Ибрагим ота, қишлоқ хўжалиги соҳасига қизиқишингизга нималар сабаб бўлган?**

– Мактабда ўқиб юрган кезларим боғдорчиликка жуда қизиққанман. Отам раҳматли Қурбонбой Ниёзметов деҳқончилик ва боғдорчиликни севадиган инсон эди. Болалигимда кўчатларни пайвандлаш ишларида отамга кўмаклашардим. Мактабда ҳам табиат ҳақидаги фанларни берилиб ўқиганман. Шундан бўлса керак, наботот ва ҳайвонот дунёси мени ўзига ром қилган. 1966 йили ўрта мактабни тамомлаган йилим мени колхозга асаларичилик бўйича агроном қилиб тайинлашди. У даврларда раиснинг айтгани айтган, дегани деган эди.

Ёш йигит пайтим ўқиб-ўрганиб, асаларичиликнинг сир-синоатини ўзлаштириб олдим. Бир-икки йил тажрибамни оширгач, ўқишга кирмоқчи бўлдим. Аммо раис мени кундузи ишдан ажралган ҳолда ўқишимга рухсат бермади. Шу боис, Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида сиртдан ўқий бошладим. Болалигимда кўчат етиштиришга қизиққаним туфайли институтнинг 3-курсидан бошлаб тут кўчатларини навдор кўчатлар ҳисобига кўпайтириш устида ишлай бошладим. Новдаларни халкалаб, республикамизнинг аномал шароитида кўпайтириб, вилоятда бир неча гектар бўта тутзорлар ташкил қилдим. Ниҳоят, 1973 йилда илмий тажрибамни аъло баҳога ҳимоя қилдим. 1975 йилда аспирантурага қабул қилиндим. 1975-1979 йиллар мобайнида "Хоразм вилояти шароитида халкаланган тут қаламчасидан кўчат етиштириб, бута тутзорлар ташкил қилиш" мавзусида илмий иш олиб бордим.

Бироқ... (шу ерда Ибрагим ота чуқур хўрсиниш билан ўша даврларни эслади шекилли, кўзига ёш олди).

**– Мана, орадан 45 йил ўтиб сиз яна илмга қайтдингиз. 72 ёшингизда олим деган мартабага эришдингиз. Энди ўқиб нима қиламан, деб қўл силтаб қўйган пайтларингиз ҳам бўлганми?**

– Ҳа, орадан 45 йил вақт ўтди. Ҳашпаш дегунча 75 ёшни ҳам қаршилаб қўйдик. Аммо мен чекинмадим. Ҳаётимда қандай оғир вазиятлар бўлмасин, фақат ва фақат олға интилдим. Орада оиламда йўқотишлар бўлди. Қизим раҳматли автоҳалокатга учраб, вафот этди. Болаларимнинг онаси ҳам бу фоний дунё билан хайрлашди. Бир одам учун булар зил-замбил юк эди. Собиқ совет даврида мен яратган тутзорлар пайҳон қилиниб, ўрнига қурилишлар қилинди. Қўлим ҳам, кўнглим ҳам ишдан совиб кетди. Орадан анча вақт ўтиб кетди. Аммо шундай бўлсада, мен ўз қизиққан касбим – кўчатчиликни бир зум ҳам тарк этмадим. Ўз томорқамда бўлсада, тажриба олиб бордим. Севган касбимдан узоқлашмадим. Қўл силтамадим. Бир куни мен мақсадимга етишимни билардим. Ва ниҳоят, мақсадимга етдим.

**– Илмий ишингизни қайтадан тиклашга нимадир туртки бўлдими?**

**–** 2017 йилда Президентимиз тўхтаб қолган илмий ишларни давом эттириш учун аспирантларга имконият берди. 2019 йилда Президент виртуал қабулхонасига мурожаат қилиб, илмий ишимни давом эттиришга рухсат олдим. Тошкент давлат аграр университетининг ипакчилик кафедрасидан илмий раҳбар танлаб, кириш имтиҳонларини топшириб, "Хоразм вилояти шароитида тут қаламчасидан навдор тут кўчатларини етиштириш ва бута тутзорлар яратишнинг илмий асослари" мавзусида илмий иш бошладим. Камина университет раҳбариятидан, шунингдек, ипакчилик ва тутчилик кафедраси профессор-ўқитувчиларидан миннатдорман. 2020 йилда якуний имтиҳонларни топшириб, ўша йилнинг 12 ноябрида очиқ кенгашда илмий ишимни ҳимоя қилдим. Илмий кенгаш аъзолари бир овоздан ишимга аъло баҳо беришди. 2020 йили, 72 ёшимда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясининг қарори билан, қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини беришди.

**– Ибрагим ота, мана ниҳоят орзуларингиз амалга ошиб, қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори даражасига етдингиз. Ўқийман, изланаман, деган ёшларга нималар деган бўлардингиз?**

– Ўзимнинг ҳаётимдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, инсон доимо ҳаракатда бўлса, кўзлаган маррасига албатта, етади, деган хулоса келиб чиқади. Қанийди, ҳозир 25-30 ёшли йигит бўлиб қолсам. Ўқийман, илмий иш қиламан, десанг барча шароит муҳайё. 72 ёшимда имтиҳон топшириб, илмий ишимни ёқлаганим кўп ёшларга мотивация бўлди. Мендан кейин бир пайтлар илмий ишини бошлаб, ярим йўлда қолдирган 7 нафар талаба ҳам муваффақиятли ҳимоя қилишди. Мен бундан жуда хурсандман. Буларнинг бари юртимизда нафақат таълимга, балки инсонга бўлган юксак эътибор намунасидир.

**– Мазмунли суҳбатингиз учун катта раҳмат!**

**"Oʻzbekiston bunyodkori" мухбири Болтабой МАТҚУРБОНОВ суҳбатлашди.**

## ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ муборак бўлсин!

### Август ойининг сўнгги кунларида таваллуд айёмини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Ичимлик ва оқова сув тизимларини эксплуатация қилиш ва ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси **Омонжон Абдуллаев,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ахборот-коммуникация технологияларни жорий этиш бўлими етакчи мутахассиси **Маъруфжон Раҳимов,** "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК бош мутахассиси **Саидаҳмад Баҳодиров,**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази ҳайдовчиси **Иззатилла Йўлдашев,**

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Лойиҳа-таклифларини ишлаб чиқариш бўлими бош мутахассиси **Расул Рўзиев,**

Жиззах вилояти, Дўстлик тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Дилмурод Умаров,**

Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Муслима Садинова**,

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бўлим бошлиғи **Ойбек Бойжигитов,**

Навоий вилояти, Кармана туманидаги "Xurshid kommunal progress" МЧЖ раҳбари **Хуршид Пардаев,**

Самарқанд вилояти, Жомбой туманидаги "Жомбой ишончли коммунал сервис" МЧЖ раҳбари **Нормамат Урунов,**

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳридаги "Centr Yaxyobek Boshqaruv Servis Kompaniyasi" раҳбари **Шаҳноза Маматханова,**

Хоразм вилояти Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази катта мутахассиси **Одилбек Козаков**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
OʻZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шерзод Ҳидоятов, Давронжон Адилов, Жалол Арашов, Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Бобир Элмуродов, Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100035, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-49 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-49 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 99-831-11-15.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-837.
1625 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – М. Ҳайдаров.

ЎзА якуни – 23.00.
Топширилди – 23.30.

1 2 3 4 5 6